Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 247 (8487). ● 26 декабрь, 1984 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

РАЙОН САНОАТЧИЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

ТОШКЕНТ райони индустрияси ходимлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш туфайли катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар маҳсулот реализация қилиш йиллик плани барвақт бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Ҳозирги вақтгача жами салкам 70 миллион сўмлик турли-туман саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Йил охиригача эса бу кўрсаткич яна 3 миллион сўмлик ортади. Қўшимча реализация қилинадиган маҳсулот миқдори эса 4 миллион сўмликни ташкил этади.

Район саноатчилари меҳнат унумдорлигини ҳам жадал суръатлар билан оширмоқдалар. Фан ва техника ютуқларини жорий қилиш, мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш туфайли бу муҳим кўрсаткич белгиланганига нисбатан 3,6 процент ортиқ бўлди.

Саноатчиларнинг эришган ютуқларига қатор корхоналар коллективлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, жунни дастлабки ишлаш фабрикаси меҳнат аҳлининг улуши баракали бўлди. Корхона ишчи-хизматчилари маҳсулот реализация қилиш йиллик планини ортиғи билан бажардилар. Жами тайёрланган маҳсулот миқдори планда белгиланганига нисбатан 5,6 процент ошиқ бўлди. Абдураҳмонов номли совхоз вино заводи коллективи муваффақияти янада қувончли бўлди. Корхона ишчи-хизматчилари деярли бир ойдан бери ўн биринчи беш йилликнинг сўнгги йили ҳисобига маҳсулот бермоқдалар.

Район индустрияси ходимлари шу кунларда ҳам иш суръатини бир зум бўлсада сусайтиришмаяпти. Улар хўжалик йилини меҳнатда янада яхши натижаларга эришиш билан якунлаш учун ўзаро мусобақани авж олдирмоқдалар.

Л. ИЎЛДОШЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АВТОНОМ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон меҳнаткашларини шонли воқеа — Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ташкил этилганлигининг олтмиш йиллиги билан қизғин табриклайдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тарихий ғалабаси мамлакатимизнинг барча халқлари каби Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг ҳам социал зулмдан, миллий тенгсизликдан халос бўлишини таъминлади, экономика ва маданиятни ҳар томонлама ривожлантирди, одамларнинг фаровонлигини оширди учун қулай шароит яратди.

Ленин партияси раҳбарлигида, улуғ рус халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг мадади ва қардошларча ёрдами туфайли Қорақалпоғистон автоном республикасида ўтган олтмиш йил мобайнида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлилари шакллани, саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, социалистик маданият ҳар томонлама ривож топди.

Саноат корхоналарининг коллективлари ишлаб чиқариш самарадорлигини, иш сифатини оширишга сабот билан ҳаракат қилмоқдалар. Колхоз ва совхозлар ялпи пахта ҳосилини ва донли экинлар тайёрлашни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Ҳозир автоном республика Ўзбекистонга шоли етказиб беруви асосий макон бўлиб қолди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш кўпаймоқда.

Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ҳар томонлама ривож топди, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда. Шаклан миллий, чуқур социалистик мазмун билан тўлиқ маданият муттасил юксалиб бормоқда. Республикада истиқомат қилувчи турли миллат вакилларининг қардошларча дўстлиги мустаҳкамланмоқда.

Совет Қорақалпоғистонининг олтмиш йиллиги партиямиз, бутун совет халқи партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларини зўр сиёсий жўшқинлик ва ғайратшижоат билан турмушга татбиқ этаётган бир даврда нишонланмоқда. Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари социал-иқтисодий ривожланиш планларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг ҳамма соҳаларида интизом ҳамда уюшқоқликни мустаҳкамлаш учун зўр ғайрат билан ишламоқдалар, 1984 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун сабот билан курашмоқдалар, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXVII съездини меҳнатда янги ютуқлар билан муносиб кутиб олмоқдалар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қатъий ишонч билдириб айтадиларки, Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари область партия ташкилоти раҳбарлигида совет халқларининг ягона қардошлик оиласида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилаверадилар, партия сиёсатини, экономика ва маданиятни ривожлантириш планларини рўёбга чиқаришни таъминлайдилар, социалистик Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашга, ривожланган социализмни такомиллаштириш ишига тобора кўпроқ ҳисса қўшаверадилар.

Яшасин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи барча миллат ва элатларининг қардошларча дўстлиги ҳамда мустаҳкам бирлиги!

Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин совет халқи барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЮКСАК ИШОНЧ

РЕСПУБЛИКАДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Ирригатор» клуби байрамлардагидек безатилган. Бу ерга «Эскиангарканалстрой» трестига қарашли Қашқадарё механизациялашган кўчма колоннасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари сайлов олди йиғилишига келдилар.

— Бугун мана шу шонли кунда биз ўз номзодимизни республика давлат ҳокимиятининг олий органига кўрсатаяпмиз, — дейди меҳнат ветерани, экскаваторчи И. П. Бурдонос. — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида сўзлаган нутқида, мамлакат Олий Совети сессиясининг қарорларида ҳал этилиши энг кўп даражада диққатэътиборни ва кучларни жамлашни талаб қиладиган вазифалар белгиланиб, уларни ҳал этиш йўллари аниқ-равшан кўрсатиб берилди. Бу — коллективимизнинг, областдаги барча меҳнаткашларнинг келгуси, 1985 йилни зарбдор, фидокорона меҳнат йилига айлантиришга оид жанговар ҳаракат программасидир.

Мен, деди И. П. Бурдонос, халққа хизмат қилиш йўлида кўп куч-ғайрат сарфлаётган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Иномжон Бузрукович Усмонхўжаевни Қарши сайлов округимиздан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишни таклиф қиламан. Республика партия ташкилоти партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини, ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари ва тавсияларини амалга оширишга республика коммунистларини, барча меҳнаткашларини сафарбар этиш соҳасида катта иш олиб бормоқда.

Қашқадарё механизациялашган кўчма колоннаси партия комитетининг секретари В. И. Ерохин, экскаваторчи В. А. Денисов, механизациялашган кўчма колонна комсомол ташкилотининг секретари К. Хўжаева, прораб М. Баймонов ўз нутқларида И. Б. Усмонхўжаев номзодини қизғин қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш қатнашчилари **Иномжон Бузрукович Усмонхўжаевни** 211-Қарши сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Қашқадарё область Яккабоғ районидаги Ульянов номли колхозда кўп кишилик сайлов олди йиғилиши бўлди.

— Мен юртдошимиз, Ульянов номли колхоз пиллачилар звеноси бошлиғи, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, қаҳрамон она Зумрат Раҳмоновани Қишлик сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишни таклиф қиламан, — деди йиғилиш аҳлига мурожаат қилиб, колхоз механиги Х. Бойсунов.

Колхоз бош зоотехниги Ш. Норқобилов, пиллачилар звеноси бошлиғи З. Пармонова, Лермонтов номли мактаб директори И. Бобоқулов, колхоз партия ташкилотининг секретари З. Назарова кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш **Зумрат Раҳмоновани** 245-Қишлик сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ЙИЛИМИЗНИ ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН ЯКУНЛАЙЛИК

Чирчиқдаги трансформатор заводида кўплаб ўз касбининг усталари меҳнат қилишади. Йиғувчи-слесарь Абдужаббор Шерматов ана шулар жумласидандир. Шунинг учун Шерматов зиммасига трансформаторларни йиғишдаги энг масъулиятли вазифа — синаб кўриш топшириғи юкланган. Суратда: А. Шерматов иш устида.

В. Сироткин фотоси.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ОЛМАЛИҚДАГИ ихтисослаштирилган қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ўртасида ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақа яхши натижалар бермоқда. Меҳнат беллашувида М. Борсуков бошчилик қилаётган участка қурувчилари илғорлик қилмоқдалар. Улар топшириқларни ўз вақтида адо этиб, белгиланганидан анча кўп иш бажаришга эришишяпти. Қурувчиларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига шаҳардаги мис эритиш ва рух заводларида реконструкция ишлари муддатидан анча илгари тугалланди.

Рационализаторлик таклифларини амалда қўллаш ҳисобига бу ерда ишлар ҳажми 8,6 процентга қисқартирилиб, янги асбоб-ускуналарни барвақт ўрнатишга киришиш имконини берди. Яқин кунларда бу ишлар ҳам ниҳоясига етказилади.

А. РУСТАМОВ.

ҲАР СМЕНАДА 150 ПРОЦЕНТ

ВАЛЕНТИНА Ившина мастерлик қилаётган смена Ғалаба районидаги Кетмонтепа луб заводи коллективлари ўртасидаги ўзаро меҳнат беллашувида пешқадамликни эгаллаганига анча бўлди. Бунга ишчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш соҳасида катта ишлар амалга оширилаётганлиги туфайли ҳам эришилмоқда. Ҳар бир асбоб-ускуна юқори унум билан ишлатилиши таъминланяпти. Иш вақти ҳамда мавжуд резервлардан самарали фойдаланиш ҳисобига смена ишчилари ҳар куни 5 тоннага етказиб маҳсулот тайёрламоқдалар. Бу кунлик топшириқдагига нисбатан 130 процентни ташкил этяпти.

Шу туфайли ҳам смена толачилари йил давомида бир неча бор ўзаро меҳнат беллашуви ғолиби бўлишди. Йиллик топшириқларни ҳам муддатидан илгари адо этдилар. 850 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу йиллик планда белгиланганидан 160 тонна кўпдир. Ютуқларнинг таъминланишида Валерий Фомин, Холбуви Ойнақулова, Худойберди Мингбоев, Сония Вахитова сингари тажрибали ишчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Улар топшириқларни фақат 150 процентдан адо этишмоқда. Айни кунларда бу илғор ишчилар 1985 йилнинг иккинчи квартали ҳисобига маҳсулот тайёрламоқдалар.

Ғ. УМАРОВ.

ТАННАРХ АРЗОНЛАШМОҚДА

АНГРЕН. (Ўз мухбиримиздан). «Узбекшахтострой» трести бинокорлари пудрат ишлари давлат планларини муваффақиятли бажармоқдалар. Ҳар ойда топшириқдагига қўшимча ўнларча минг сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айни вақтда коллектив қурилиш таннархини камайтириш йўлида ҳам фидокорлик кўрсатаяпти.

Трестнинг барча бўлинмаларида ишчи кучи ва мавжуд асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш, турли-туман қурилиш материалларини тежаб-тергаб сарфлаш устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Тежамли ишлашда намуна бўлаётган коллективлар ва айрим бинокорлар ҳар томонлама моддий ва маънавий рағбатлантирилаяпти. Шунинг учун ҳам қурилиш таннархи белгиланганига нисбатан муттасил камайиб бормоқда. Ўн биринчи беш йиллик тўртинчи йилининг ўтган тўққиз ойида бу кўрсаткич кўнгилдагидек бўлди. Таннарх топшириқдагига қўшимча 3,71 процент камайтирилди. Натижада 462 минг сўмлик иқтисодий жамғарма олинди.

Коллектив шу кунларда ҳам қўлга киритилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун қизғин кураш олиб бормоқда. Ҳамма ишлаб чиқариш бўлинмаларида тежамкорликка эътибор кучайтирилмоқда.

М. МАҲМУДОВ.

ТОШКЕНТ-ЖИЗЗАХ-ИВАНОВО

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

МУСОБАҚАДОШ ОБЛАСТЛАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1984 ЙИЛ ЯНВАРЬ—НОЯБРИДАГИ АСОСИЙ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

	Тошкент	Жиззах	Иваново
САНОАТ			
Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	103,5	95,8	102,2
Реализация планининг бажарилиши — процент ҳисобида	100,8	95,4	100,9
Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот — миллион сўмлик	50,7	—	63,8
Маҳсулот реализацияси планини бажармаган корхоналар сони	51	14	68
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	12,3	22,6	22,8
Саноат — ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида	101,0	108,7	98,0
Меҳнат унумдорлиги планининг бажарилиш проценти	101,0	96,7	102
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	102,5	88,2	104,0
Меҳнат унумдорлиги бўйича планни бажармаган корхоналар сони	73	16	72
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	18,5	26,2	24,2
Барча турдаги калавалар ишлаб чиқариш — минг тонна	13,7	1,4	285,8
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	90,7	60,0	100,7
Барча турдаги газламалар ишлаб чиқариш — миллион погон метр	182,6	—	2051,8
Газламалар ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	93,0	—	100,3
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ			
Барча категориядаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш (пландан ташқари харид қилинганлари ҳам шу ҳисобга киради) йиллик планнинг бажарилиш проценти			
Чорва ва парранда	90,6	80,1	104
Сут	91,5	77,6	96
Тухум	94,1	69,0	94
1984 йил январь — ноябрида колхоз ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорва маҳсулдорлиги			
Чорва ва парранда асосий турларини сўйишга топшириш (тирик вазнда — минг тонна)	43,7	16,7	64,6
1984 йил январь — ноябрида 1983 йил январь — ноябридагига нисбатан процент ҳисобида	99,3	90,0	112
Ялпи соғиб олинган сут — минг тонна	159,2	32,0	294,8
1984 йил январь — ноябрида 1983 йил январь — ноябридагига нисбатан процент ҳисобида	97	90	105
Товуқ тухумни етиштириш — миллион дона	297,7	35,5	372,3
1984 йил январь — ноябрида 1983 йил январь — ноябридагига нисбатан процент ҳисобида	117	87	103
Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори — килограмм	2929	1852	1898
1984 йил январь — ноябрида 1983 йил январь — ноябридагига нисбатан процент ҳисобида	90	81	103
Ҳар бир товуқдан олинган ўртача тухум миқдори — дона	155	133	209
1984 йил январь — ноябрида 1983 йил январь — ноябридагига нисбатан процент ҳисобида	103	89	106
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ			
Давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилгани			
Капитал маблағ ўзлаштириш планининг бажарилиши — процент ҳисобида	89	83	89
Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши — процент ҳисобида	88	84	89
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш (йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)	86	98	86
САВДО			
Давлат ва кооператив савдо (умумий овқатланишни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) товар оборoти планининг бажарилиши — процент ҳисобида	97,5	96,7	97,4
Шу жумладан чакана тармоқ товар оборoти	97,2	97,3	97,7
Умумий овқатланиш товар оборoти	101,1	100,3	97,7
АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ			
Аҳолига жами маиший хизмат кўрсатиш ҳажми планининг бажарилиши — процент ҳисобида	95,2	82,3	100,9
Шу жумладан шаҳарларда	95,0	89,0	100,8
Қишлоқларда	96,0	79,2	101



✦ РЕСПУБЛИКА «Госкомсельхозтехника»сига қарашли Янгийўл райони устахоналари ремонтчилари чопиқ тракторларини ремонт қилиш суръатини кун сайин тезлаштирмоқдалар. Шу кунгача бундай машиналардан салкам 500 таси Тошкент области хўжаликларига юборилди.

Суратларда: устахоналарнинг илғор слесари Холмуҳаммад Исроилов ҳар куни нормани 1,5 баравардан ошириб бажармоқда (чапда), бош йиғув конвейери (ўртада) ва 30 йилдан ортиқроқ вақтдан бери шу корхонада ишлаб келаётган Коммунистик меҳнат зарбдори Еқуб Ғаниев (ўнгда). У меҳнатда касбдошларига намуна бўлмоқда. В. Сироткин фотолари.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ВА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ЯГОНА ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Бугун қадимий ва улкан социал-иқтисодий ўзгартишлар ўлкаси — қорақалпоқ дне́рида катта тантана. Меҳнатсевар ва фидокор халқ ўз миллий давлатчилигининг олтмиш йиллигини тантанали нишонламоқда. Бу байрам қорақалпоқ халқи Совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партия раҳнамолигида қардош халқларнинг бегараз ёрдами билан эришган беқиёс муваффақиятларининг ўзига хос кўригидир.

Улуғ Октябрнинг зафарли одими бу ўлкага ҳам социал ва миллий тенглик олиб келди. Большевиклар ленинча ғоялар тантанаси учун собитқадам кураш олиб бориб, турмушни социал асосда қайта қуришга бош-қош бўлдилар. 1918 йилнинг 24 декабрида Петро-Александровск — ҳозирги Тўрткўл шаҳрида дастлабки большевистик ташкилот тузилди. В. Крошилов, М. Фролов, И. Касьяненколар унга етакчилик қилдилар. В. Скворцов, И. Кондратенко, Н. Долгов, А. Москалев сингари большевиклар ўлкада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш учун курашда фаол қатнашиб, маҳаллий аҳоли ўртасида катта сиёсий ташкилотчилик ишини олиб бордилар. Қорақалпоқ халқининг А. Дўсназаров, Ж. Сеитова, И. Бекимбетов, А. Эйташев, Д. Қурбонбоев сингари фарзандлари синфий жангларда фаол қатнашдилар.

Хоразм халқ революциясининг галабаси ўлкада Совет ҳокимияти узил-кесил ўрнатилишига олиб келди. СССР Марказий Ижроия Комитети иккинчи сессиясининг қарорига мувофиқ 1924 йилнинг октябрида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий чегараланиш натижасида Қорақалпоғистон автоном области ташкил этилди.

Бу қорақалпоқлар миллий автоном социалистик давлатчилигининг бошланиши эди. 1932 йилнинг мартида эса РСФСР ҳукуматининг қарорига биноан Қорақалпоғистон автоном области Автоном Совет Социалистик Республикасига айлантирилди. 1936 йилги Конституцияга мувофиқ Қорақалпоғистон АССР Ўзбекистон ССР составига киритилди.

В. И. Ленин партиянинг миллий масала соҳасидаги сиёсатини ишлаб чиқар экан, миллатларнинг ўз хоҳиш-иродасига кўра ягона совет социалистик давлатига бирлашуви чекка ўлкаларни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг ёрқин истиқболларини очажагини башорат қилган эди. Қорақалпоқ халқи ўтган 60 йил мобайнида эришган муваффақиятлар бу ленинча башорат рўёбга чиққанлигининг ёрқин тимсолидир.

Ўтмишда жами аҳолисининг 0,2 проценти саводли бўлган бу ўлкада ҳозир умумий ўрта таълим тўла амалга оширилган. Қорақалпоқ халқининг фарзандлари 856 мактаб, 25 техникум, 41 ҳунар-техника билим юртида таълим-тарбия олиб, касб-ҳунар эгалламоқдалар. Нукус Давлат университети малакали кадрлар тайёрлаш марказига айланди.

Миллий мутахассис кадрлар етишиб чиқаётганлиги, рус, ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг ёрдами ўлкада илм-фаннинг жадал ривож топишига, маданият тараққий этишига олиб келди. Ҳозир автоном республикада 16 фан доктори, 380 фан кандидати самарали илмий изланишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали йирик илмий марказ бўлиб қолди.

Эндиликда Қорақалпоғистон аграр-саноат ўлкасидир. Саноат корхоналари ҳозир икки кундагина бутун 1924 йил давомида ишлаб чиқарилган ҳажмда маҳсулот тайёрлаш қувватига эгадир. Ўн биринчи беш йилликнинг фақат ўтган даври ичидагина автоном республикада 2 та ип йигирув, 2 та тўқимачилик фабрикалари, Ёнбошқалъа ва Эллиққалъа ғишт, Тўрткўл ва Нукус темир-бетон буюмлари, Нукус керамзит заводлари қуриб битказилди. Шу муддатда 1721 минг квадрат метр уй-жой, 27.180 ўринли мактаб ва бошқа социал-маданий объектлар фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Компартиясининг жанговар отряди — Қорақалпоғистон область партия ташкилоти меҳнаткашларни коммунистик қурилиш вазифаларини изчил амалга ошириш учун курашга сафарбар этиб турипти. Автоном республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари шонли юбилейни тантанали нишонлар эканлар, ўн биринчи беш йилликни муносиб якунлаш, КПСС XXVII съездини хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида улкан муваффақиятлар билан кутиб олиш учун қатъий қарор қилганликларини изҳор этмоқдалар.

Суратда: Нукус — шаҳрнинг Марказий майдони.

С. Маҳкамов фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ХЎЖАЛИККА РАҲБАРЛИК

КУНДАЛИК ИШИМИЗ

Юбилей йили ниҳоясига етмоқда. Ҳа демай, беш йилликнинг якунловчи босқичига қадам қўямиз. Трестимиз бинокорлари ўз олдиларида яна ҳам улкан ва масъулиятли вазифалар турганлигини ҳис этган ҳолда янги йилни муносиб кутиб олишга интилмоқдалар.

Бу йил коллективимиз республика юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага биринчилар қатори қўшилган эди. Мусобақанинг бориши трест партия комитетининг доимий эътиборида бўлди, мажбуриятларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб бордик. Партия комитетининг бўлиб ўтган мажлисларидан бирида касаба союзлари бирлашган қурилиш комитетининг бригада, участка, прораблик ва бошқармаларда юбилей йили социалистик мусобақасини ривожлантириш бўйича фаолиятини муҳокама қилдик. Муҳокама давомида барча жойларда мусобақанинг ошкоралигини таъминлаш, илғор тажрибаларни кенг ёйиш зарурлиги уқтирилди.

Кейинроқ умумтрест ва бошқарма коммунистларининг очиқ партия йиғилишларида ҳам мусобақани ривожлантиришга оид масалалар алоҳида кўриб чиқилди. Йиғилишларда асосий эътибор юбилей йилини муваффақиятли якунлашга, барча участкаларда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга, ишни янги талаблар асосида ташкил этишга қаратилди.

Кўрилган чора ва тадбирлар туфайли ўн бир ойлик қурилиш-монтаж ишлари плани ортиғи билан адо этилди. Ўтган йилнинг шу даврига та саноат корхонаси ва 42 та маданий-маиший хизмат объектлари, 22 та қозонхона, 700 дан ортиқ мавжуд квартиралар газлаштирилди.

Коллективимиз меҳнати юксак баҳоланди. Эришилган муваффақиятлар учун СССР махсус қурилиш монтаж министрлиги ва қурилиш ҳамда бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлдик.

Мусобақа давомида ажойиб ташаббуслар туғилаяпти. 1-монтаж бошқармасининг сантехник-слесарлар бригадаси бошлиғи Х. Зокиров тўрт йиллик топшириқни республика юбилейигача бажариш юзасидан ташаббус бошлаган эди. Ташаббускор коммунистнинг сўзи билан иши бир бўлди, 3 ноябрда у беш йилликнинг тўрт йили плани бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Ҳозир 1985 йилнинг дастлабки ойлари ҳисобига меҳнат қилмоқда. Г. Г. Бражник бошлиқ сантехник-слесарлар бригадаси аъзолари ҳам шу ташаббусга қўшилиб йиллик маррага барвақт етиб келдилар.

Яна бир мисолни келтириб ўтиш мумкин. Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш юзасидан республикамиздаги 15 илғор қурувчи бошлаб берган ташаббус трестимиз коллективи ўртасида кенг қулоч йёйган. 1-монтаж бошқармасининг донгдор бригада бошлиғи Н. И. Силин бу ташаббусга биринчилар қатори қўшилди. Маълумки, Н. И. Силин бригада пудратини жорий этиш бўйича бошланган мусобақанинг ҳам ташкилотчиларидан бири бўлган эди. Унинг ташаббуси ўз вақтида партия комитети, касаба союзлари бирлашган қурилиш комитети, Ленин район ва Тошкент шаҳар партия комитетлари томонидан маъқулланган эди.

Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш юзасидан бошланган мусобақа Н. И. Силин бошлиқ коллектив шуҳратини яна ҳам оширди. Бригада аъзолари трестда биринчи бўлиб беш йиллик топшириғини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Улар ҳозир 1986 йилнинг октябрь ойи ҳисобига ишламоқдалар.

Трестимизда Н. И. Силиннинг издошлари оз эмас. «Газмонтаж» бошқармасининг коммунист А. Гулматов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам йилдан ўзиб ишламоқдалар. Бу коллективда бригада усули жорий этилгандан сўнг иш унумдорлиги қариб икки баравар ортди. Умуман, ҳозир 62 та бригада пудрат усулида ишлаяпти. Бу коллективларга 423 киши бирлашган. Улар ўтган ойлар давомида бажарилган ялпи қурилиш-монтаж ишларининг 70 процентини адо этдилар. Бошқача қилиб айтганда, 8,5 миллион сўмликдан кўпроқ иш бажардилар. Бу коллективлар ишлаётган объектларда монтаж ишларининг нормадаги муддати 20 процентга қисқарди.

Пудрат усулида ишлаётган бригада раҳбарларининг кўпчилиги жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқдалар. Н. И. Силин, Т. Толипов, А. Гулматов каби бригада раҳбарлари район ва шаҳар Совети депутатлигига сайланишган. Айни пайтда улар партия ташкилоти томонидан берилган топшириқларни ҳам жон диллари билан бажармоқдалар.

Трестимиздаги кўпгина бригадалар Минск, Киев, Москва каби йирик шаҳарлардаги, турдош трестларданги бригадалар билан мусобақадошдир. Н. И. Силин, Г. Г. Бражник раҳбарлик қилаётган бригадалар ҳузурида илғор тажриба мактаблари ташкил қилинган. Мактаб тингловчилари қурилиш-монтаж ишларини ташкил этишда тўпланган тажрибаларни ўрганмоқдалар.

Трест партия комитети комсомол-ёшлар бригадалари ишини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Трестимизда бундай бригадалардан 7 таси ишлаб турибди. Улар ҳозир беш йилликнинг тўрт йили планини бажариш арафасида турибдилар. Ёшлар коллективлари йил давомида меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент оширишга, маҳсулот таннархини эса қўшимча 0,5 процент арзонлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳар кварталда комсомол-ёшлар бригадалари ишига якун ясаб бориляпти. Ғолиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда.

Коммунистлар қатори комсомоллар ҳам сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасида ўтказилаётган машғулотларда актив иштирок этиб, ўз билимларини муттасил ошириб бормоқдалар. Партия комитети тавсияси асосида илғор бригадалар ҳузурида намунавий машғулотлар ўтказиш яхши самара бермоқда. Бундай машғулотларда тўпланган тажрибалар кенг ёйиляпти. Машғулотлар давомида асосий эътибор беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқини муддатидан олдин бажаришга, янги йил учун мустаҳкам замин яратишга қаратиляпти.

Коллективимиз йиллик планни 27 декабргача адо этишга ва қўшимча 100 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга сўз берган. Шубҳа йўқки, коммунистлар ва барча бинокорлар берилган ваъданинг устидан чиқиб, юбилей йилини зафарли якунлайдилар.

А. АҲМАДХУЖАЕВ,
«Ташсантехгазмонтаж» трести партия комитетининг секретари.

МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА—ЯНГИ ЙИЛ

АНГРЕН кўмир разрезида юбилей йили социалистик мусобақаси қизғин паллага кирди. Ўнлаб кончилар зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиш учун кун сайин кўрсаткичларни ошириб бормоқдалар. Яқинда Ленин ордени кавалери А. Маматов бошлиқ бригада азаматлари 1985 йил ҳисобига кўмир қазиб чиқара бошлаганликларини маълум қилган эдилар. Куни кеча М. Савичев бошчилигидаги 2-участка кончилари 1984 йил планини бажарганликларини билдирдилар. Шуниси диққатга сазоворки, бу участка азаматлари йил охиригача қўшимча 8500 тонна «қора олтин» қазиб чиқаришга аҳд қилганлар.

Корхонанинг М. Абдузалимов, Ю. Разуменко, М. Садетов бошлиқ бригадалари ва яна кўплаб коллективлар ҳозирнинг ўзиданоқ янги йил меҳнат календарини очдилар.

И. АҲМЕДОВ.

СОВЕТЛАР ҲАЕТИДАН

АҲОЛИ БИЛАН АЛОҚАНИ МУСТАҲКАМЛАБ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ Ангрен шаҳар Совети ижроия комитети давлат, хўжалик ҳамда социал-маданий қурилиш соҳасидаги муҳим вазифаларни амалга оширишда турар-жойлардаги аҳоли ўртасида оммавий-ташкилий, тарбиявий-сиёсий ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Бу масалалар шаҳар Совети, унинг доимий комиссиялари, депутатлик группалари ва постларининг ҳамда жамоатчилик ташкилотларининг доимий диққат эътиборидадир.

Ижроия комитетнинг фаолияти, иқтисодий ва социал ривожланиш планлари ҳамда унинг қандай бажарилаётганлиги, сайловчиларнинг наказлари, аҳолининг талаб истаклари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида мунтазам ва тўла ахборот бериб бориш аҳоли ўртасида пропаганда ишларини уюштириш, омма билан алоқани янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг асосий шартидир. Шунинг учун ҳам ижроия комитет бевосита турар-жойлардаги аҳоли ўртасида ҳисобот беришни йўлга қўйган. Иқтисодий ва социал ривожланишни жадаллаштириш, хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш ва улар ишини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни муҳокама этишда аҳоли актив иштирок этадиган бўлиб қолди.

Масалан, «Ижроия комитетнинг 1983 йилги иш фаолияти тўғрисида»ги ҳисоботни тайёрлашда депутатлар уни аҳоли ўртасида кенг муҳокама этилишини йўлга қўйдилар. Шу муносабат билан жойларда ўтказилган йиғилишларда 8 мингдан кўпроқ киши иштирок этди. Йиғилишларда билдирилган 40 дан зиёд таклиф ва мулоҳазадан шаҳар Совети докладини ҳамда сессия қарорини тайёрлашда фойдаланилди.

Турар-жойларда тузилган территориал депутатлик группалари шаҳар ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу группаларга 172 депутат бирлашган. Улар кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда аҳолини шаҳар Совети ва унинг ижроия комитети қарорларини, сайловчиларнинг наказларини бажаришга сафарбар этишда актив тавсия ва мева маҳсулотлари билан савдо қилувчи савдо тармоқларининг иш вақти тўғри йўлга қўйилди, маҳсулот турлари кўпайди, сифати яхшиланди.

Жамоат ташкилотлари турар-жойлардаги аҳоли ўртасида оммавий ишларни кучайтиришда шаҳар ижроия комитетининг ишончли таянчига айланди. Шаҳарда жами 32 та маҳалла ва 6 та уй комитети ташкил этилган. Бу комитетлар бир қатор муҳим вазифаларни ҳал этиш билан мунтазам шуғулланмоқдалар.

Турар-жойлардаги барча оммавий-маданий ва тарбиявий ишларни марказлаштириш мақсадида ҳар бир микрорайонда координациялаш ёки жамоатчилик советлари тузилган. Мактабларнинг раҳбарлари, оталиқ ташкилотлари вакиллари, ота-оналар комитетлари, балогатга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси ходимлари, турар-жойлардаги болалар клублари педагог-ташкилотчилари ана шу советларнинг доимий аъзоларидир.

Шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида тарбиявий тадбирлар, ҳуқуқий ва социал-маданий ишларни давр талаби асосида қайта қуриш учун ҳали кўп ишлар қилиниши лозим бўлади. Шаҳар ижроия комитети, унинг бўлимлари ва бошқармалари, доимий комиссиялар ва депутатлик группалари сессия қарорлари ҳамда белгиланган тадбирларнинг муддатида бекаму-кўст бажарилишига эришиш учун ўз имкониятларидан тўла фойдаланмяптилар.

Шаҳардан анча узоқда бўлган Соғлом, Лашкерак, Нишбош, Гулбоғ, Боқсуқ каби аҳоли пунктларида бирорта маданият муассасаси йўқ. Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тартибга солинмаган. Магазинларда кунлик рўзғор учун зарур бўладиган маҳсулотлар кўпинча топилмайди. Айрим магазинлар эса маҳсус бинолар бўлмаганлиги сабабли аҳолининг шахсий уйига жойлаштирилган. Санитария ҳолати талабга жавоб бермаяпти. Магазиннинг иш вақти эса мудирнинг ихтиёрига ҳавола қилинган. Буюртмаларнинг ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилмаслиги, хизмат кўрсатиш маданиятининг пастлиги тўғрисида аҳолидан кўплаб шикоятлар тушмоқда.

Турар-жой, мактаблар, мактабғача ёшдаги болалар муассасалари, маданий-маиший объектлар қурилишининг сифати ҳам талаб даражасида эмас. Бунинг устига мавжуд маданий муассасаларнинг моддий-техника базаси жуда заиф.

Бундай камчиликларга йўл қўйилишининг асосий сабаби — маданий-оқартув муассасалари, спорт базалари имкониятларидан тўла фойдаланилмаётганлиги, кўнгилли жамоат ташкилотларининг иши яхши йўлга қўйилмаганлигидир. Шаҳар ижроия комитети ўз қўл остидаги аҳолига хизмат кўрсатишга даъват этилган ташкилотлар иши устидан назоратни кучайтириши лозим.

Н. ИВАНКИНА,
область ижроия комитети ташкилий бўлими инструктори.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

ЯНГИБОЗОР йўл қурилиш бошқармасида Улуғ Ватан уруши ветерани Маҳамадали Эшматов номини ҳурмат билан тилга оладилар. Унинг бу корхонада меҳнат қилаётганига 20 йилдан ошди. У бошчилик қилаётган бригада йўлсозлари юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам улар фидокорона меҳнат қилдилар. Тоширқларни ошириб бажариб, бошқарма коллективининг 3 миллион 397 минг сўмлик йўл қурилиш ишларини уддалашига салмоқли ҳисса қўшдилар. Айни кунларда йўлсозлар 1985 йилнинг апрель ойи ҳисобига ишламоқдалар.

Яқинда бу аҳил коллектив бунёдкорлари янги ташаббуси билан майдонга чиқишди. Улар халқимизнинг фашист босқинчилари устидан қозонган буюк Ғалабасининг 40 йиллик байрамини келгуси йилнинг ўн ойлик планини бажариш билан кутиб олишга аҳд қилишди. Айни кунларда улар сўзларининг уддасидан чиқиш учун ҳар қачонгидан ҳам ғайрат билан ишламоқдалар.

З. ТОЖИБОЕВ,
Коммунистик райони.

СОБИҚ ЖАНГЧИНИНГ МАҲОРАТИ

Фрезерчи П. Г. Кривошей Тошкент экскаватор заводида Буюк ғалабанинг 40 йиллиги шарафига меҳнат вахтаси қатнашчилари орасида биринчи бўлиб шахсий беш йиллик топшириғини бажарди.

Биринчи Украина фронтининг жангчиси Пётр Гаврилович Кривошей шонли йўлни босиб ўтди. У урушни сержант унвонида тамомлаб, кўп ўтмай ишлаш учун Тошкент экскаватор заводига келди. Коммунистик меҳнат зарбдори, бир неча ўнлаб юқори малакали мастерлар тарбиялаб етиштирган мураббий, коммунист Кривошей ҳозир ҳам ҳамма соҳада олдингилар қаторида бормоқда. Уруш ва меҳнат ветерани корхонада «Ғалабанинг 40 йиллигига — 40 зарбдор ҳафта» шиори остида ўтказилаётган мусобақанинг ташаббускори бўлди.

(ЎзТАГ).

ИККИНЧИ ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ

МАМЛАКАТНИ иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг узоқ истиқболга мўлжалланган планларини пухта ишлаб чиқиш социал-демографик текшириш ўтказишни тақозо этади. Шуни ҳисобга олган ҳолда КПСС Марказий Комитети бу тадбирни ўтказишни мақсадга мувофиқ деб топди. Мамлакатимиз аҳолисини танлаб социал-демографик текшириши ўтказиш 1985 йил 2 январида бошланиб, 11 январда тугалланади. Бундай текшириш СССРда биринчи бор ўтказилади. У 1979 йилги аҳоли рўйҳатидан кейин мамлакатимиз аҳолиси составида юз берган ўзгаришларни аниқлаш, ўн иккинчи беш йиллик ва шундан кейинги даврга мўлжалланган иқтисодий ва социал ривожланиш планларини ишлаб чиқиш учун зарур маълумотларни олиш имконини беради.

Текшириш натижасида бундан аввалги аҳолини рўйҳатга олиш пайтидагидан анчагина кўпроқ саволларга жавоб олиш мўлжалланяпти. Жумладан, танлаб социал-демографик текшириш ўтказиш варақаларида аҳолининг маълумоти, ёши, миллати, меҳнат ресурсларининг структурасига оид ва бошқа кўпгина саволлар бор.

Текшириш даврида тамомлан янги социал масалалар, масалан, оила ва никоҳ тўғрисидаги маълумотларни статистика ёрдамида аниқлаш кутиляпти.

Аҳолининг қайси социал масалаларни биринчи галда ҳал қилиш тўғрисидаги фикрини билиш ўтказилажак текшириш натижасида олинадиган барча маълумотлар социал-иқтисодий ривожланишнинг барча соҳаларидаги планларни ишлаб чиқишда жуда муҳим бўлади. Масалан, аҳолининг жинси ва ёши, даромад манбалари тўғрисидаги маълумотлар истиқболда меҳнат ресурслари балансларини тузиш, янги корхоналар қуриш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, соғлиқни сақлашни такомиллаштириш (касалхона ва поликлиникалар қуриш, турли ихтисосликдаги медицина ходимларини тайёрлаш) планларини тузиш учун керак бўлади. Туғилиш тўғрисидаги маълумотлардан болалар боғча ва яслилари, мактаблар шохобчаларини кенгайтириш, ўқитувчи ва тарбиячиларни тайёрлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этиш планларини ишлаб чиқиш учун фойдаланилади.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби областимизда ҳам катта турар-жой қурилиши олиб борилмоқда. Бу қурилишни тўғри планлаштириш учун оилалар сонини, оила аъзоларининг жинси, ёши бўйича составини, қариндошлик алоқаларини билиш керак.

Программага мувофиқ Тошкент областида аҳолини танлаб социал-демографик текшириш ўтказиладиган 61 та участка белгиланди. Умуман олганда бундай текшириш областимиз барча шаҳар ва районларида ўтказилади. Ҳамма жойда текшириладиган аҳоли аниқланди, инструкторлик ва ҳисоб участкалари ташкил этилди.

Кўпгина шаҳар ва районларда аҳолини танлаб социал-демографик текшириш ўтказадиган ҳисобчилар тайинланган. Инструкторлик участкаларини жойлаштириш учун бинолар танлаш ва уларни жиҳозлаш билан боғлиқ масалалар ҳал этилмоқда.

Ўтказилажак бу муҳим ишга Тошкент, Ангрен, Наримонов, Чирчиқ шаҳарларида, Бўстонлиқ районида яхши тайёргарлик кўрилди. Лекин Бекобод, Ғалаба, Калинин, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Тошкент районларида тайёргарлик ишлари бўш олиб борилмоқда. Бу жойларда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Ҳамма жойда ҳам бу текширишнинг мақсади, вазифалари ва аҳамиятини тўлиқ тушунтириб берадиган лекторлар танланмаган.

Тадбир ўтказиладиган кунгача қолган вақт ичида социал-демографик текширишни муваффақиятли ўтказишни таъминлайдиган барча ишларни амалга ошириш чораларини кўриш лозим. Текшириш олдидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини янада кучайтириш керак.

Инструкторлик участкалари жойлашадиган хоналарни тайёрлаш ва жиҳозлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу участкалар тегишли кўргазмали материаллар, шиор ва плакатлар билан жиҳозланиши лозим. Кўргазмали агитация воситаларини турар-жойларда, маъмурий биноларда ва бошқа кўринарли жойларда ҳам ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Бу муҳим тадбир бошланишига кўп вақт қолгани йўқ. Шунинг учун ҳамма тайёргарлик ишларини тезлаштириш лозим.

Ўн кун давомида мамлакатимизда жуда муҳим социал-сиёсий тадбир ўтказилади. Тошкент областининг ўзида 188 минг нафардан кўпроқ киши социал-демографик текширишдан ўтади.

Шаҳар, район партия ва совет органлари аҳолини танлаб социал-демографик текшириш ўтказиш пухта ташкил этилиши учун ҳамма чораларни кўришлари зарур. Улар статистика органларига бу ишда зарур ёрдам кўрсатишлари керак. Чунки объектив статистика маълумотлари областимиз ва Тошкент шаҳрини ривожлантириш, истиқбол режаларини пухта ишлаб чиқиш вазифаларига хизмат қилади.

С. ТЎЛАЕВ,
Тошкент область партия комитети экономика бўлимининг мудири.

1985 ЙИЛДА АҲОЛИНИ ТАНЛАБ СОЦИАЛ-ДЕМОГРАФИК ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИЛАДИ

ИЛМ-ФАН—БЕШ ЙИЛЛИККА

ИХТИРОНИНГ ТЎРТ ХИЛ ФАЗИЛАТИ

Белоруссиялик олимлар порошокли металлургия методи билан ҳосил қилган алоҳида пишиқ алюминийдан ясалган деталлар «Беларус» тракторининг мотори пухта ишлашини таъминлайди. Дастлаб қараганда, бу ечимнинг сири содда кўринади: физиклар эритилган алюминий секунднинг юз мингдан бир улушича онда қаттиқ ҳолатга ўтадиган установка яратдилар. Лекин металлни бундай ғоят тез совутиш маҳсулот сифатини оширишда технологлар қўлига янги-янги имкониятлар беради.

— Металлнинг ҳоссаларини яхшилаш учун унга ҳар хил нометалл қўшимчалар аралаштириб туришга тўғри келади,— дейди Белоруссия Фанлар академияси физика техника институтининг ходими, техника фанлари кандидати А. Челишев.— Масалан, алюминийга кремний аралаштирилиши натижасида унинг пишиқлиги тез ортиб кетади. Аммо практика кўрсатганидек, мавжуд технологияда қотишма составига шундай аралашмадан бир неча процентдан кўпроқ қўшиб бўлмас экан. Чунки кристалланиш жараёнида кремний молекулалари бир-бирига яқинлашиб материалнинг пишиқлигини ёмонлаштирадиган аралашма ҳосил қилар экан. Биз қотишмани тез совитиш орқали алюминийнинг ҳар бир молекуласига мустаҳкам «йўлдош» — кремний молекуласини бахш этган бўламиз. Шундай қилиб, ярми кремнийдан иборат ғоятда пишиқ металл ҳосил қилиш мумкин бўлади. Келгусида ясалиадиган «Беларус» тракторининг кўпгина деталлари айни шундай алюминийдан ишланади. Бундай тракторни яратиш программасида институтимиз қатнашмоқда.

Металлдаги лагирловчи қўшимча моддалар миқдорини ошириш мумкинлиги янгиликнинг бирдан-бир фазилати эмас. Бу жараён тезкор ўтганлигидан порошок ва деталлар тайёрлашда иш унуми ғоятда ошади, зарраларнинг алоҳида шакли туфайли маҳсулот пишиқлиги яна ортади. Бундан ташқари металл чиқитларидан шу жойнинг ўзида фойдаланиш проблемаси ҳал бўлади: жамики қипиқ ва қиринди цехнинг ўзидаёқ порошок ҳолига келтириш мумкин бўлади.

Мана шу фазилатлар туфайли бу янгиликни республика приборсозлик саноатида жорий этишга қарор қилишди. Олимларнинг тажриба саноат установкасидан ўрнак олиб, Белоруссия оптика-механика бирлашмасида технологик машина-ускуналар вужудга келтирилаяпти. Бу ускуналар фирмага кирувчи ҳамма заводларнинг эҳтиёжларини қондиради.

Д. ПАТИКО,
ТАСС мухбири.
Минск.

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

- МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИНИ ТЎЛА ҲИС ҚИЛАЙЛИК
- ФЕРМАЛАРДА ТУНГИ НАВБАТЧИЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛСИН
- ОЗУҚАДАН ТЕЖАМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ

СУДРАЛИШНИНГ БОИСИ НИМА?

Шу кунн колхоз раҳбарларини, мутахассисларини топа олмадик. Раис билан партия ташкилоти секретарининг фермага кетганлигини тахмин қилишди. Чиндан ҳам шундай бўлса, ажаб эмас. Чунки чорва қишлови ҳал қилувчи паллага кирди. Йиллик сут тайёрлаш планининг бажарилиши фермадаги ҳозирги аҳволга, озуқанинг миқдори ва сифатига, рационнинг бойлиги, тўйимлилигига боғлиқ. Бундан тез-тез хабар олиб туриш эса раҳбарларнинг вазифаси.

Афсуски, раис билан партком секретарини фермада ҳам учратолмадик. Бош зоотехник Чинпўлат Нуримбетовнинг гапи рост бўлса, улар тушликдан илгари келиб кетишган экан. Ноилож бош зоотехник, ферма мудири ва ветврачлар билан ферма территориясини айланиб чиқмоқчи бўлдик.

— Иложи йўқ,— деди Ч. Нуримбетов.— Бизга ўхшаб резина этик кийиб олмасангиз, бу ерда юролмайсиз.

Бош зоотехникнинг бу гапидан сўнг ферма территориясидаги аҳволни таъриф-лаб ўтиришга ҳожат қолмади. Шундан сўнг колхозда сут етиштиришнинг боришини таҳлил қилишга киришдик.

Колхозда жами 432 бош қорамол, шу жумладан, 158 бош сигир боқиляпти. 20 ноябргача бўлган маълумотга қараганда, ана шу 158 бош «говмуш»дан жами 288 тонна сут соғиб олинибди. Йиллик планда эса жами 480 тонна сут етиштириш лозимлиги қатъий қилиб белгилаб қўйилган. Уни бажариш учун яна 192 тонна сут соғиб олиш керак бўлади. Хўш, бунга эришса бўладими? Йўқ, албатта. Чунки агар бош зоотехник берган маълумот тўғри бўлса, ҳозир фермада кунига бор-йўғи 320 литр атрофида сут етиштириляпти, холос. Уни 158 бош сигирга тақсимласак, икки литрдан тўғри келади.

Нега шундай? Эгаси яхши қарамай, эртадан кечгача қуруқ кавш қайтариб ётган сигир ҳам шунча сут беради-ку?! Қизиқ, фермадаги сигирларга озуқа бериляптими ўзи ёки йўқми?

ҒАЛАБА РАЙОНИДАГИ ЧОРВА ҚИШЛОВИГА НЕГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМАДИ?

«МОСКВА» КОЛХОЗИДА НЕГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМАДИ?

— Бериляпти,— дейди бош зоотехник.— Қишлик рацион тузиб қўйганмиз. Сигирларга бир неча-кундузда 8 килограммдан пичан, 20 килограммдан силос, 10 килограммдан лавлаги тарқатиляпти.

— Сигирлар сутини кўпайтирадиган озуқа ёзда кўк беда бўлса, қишда сенаж ҳисобланади. Нима учун қишлик рационга сенаж киритилмаган.

— Сенаж бостирилган хандақни бугун очдик. Эртаиндиндан бошлаб рационга киритамиз.

Чинпўлат Нуримбетов билан суҳбатлашар эканмиз, унинг бош зоотехник бўлиб ишлаши учун ҳали тажрибаси етишмайди, деган хулосага келдик. Чунки у фермадаги аҳвол юзасидан берган саволларимизга дадиллик билан аниқ ва лўнда жавоб қайтара олмади. Озуқа экинлари майдони қанча, ҳосилдорлик қандай эканлигини яхши билмайди.

Нима учун сигирларнинг сути 2 литрга тушиб қолди, сабаби нима,—деган саволимизга тўғри жавоб беролмай, гапни бошқа ёққа бурди:

— Йиллик пландаги 480 тонна сут 220 бош сигир ҳисобидан берилган. Фермамизда эса 158 бош сигир бор, холос.

— Аслида қанча бўлиши керак эди?

— План бўйича ҳозир 220 бошга етказилиши керак. Лекин иложини қилолмаяпмиз. Чунки молларимизнинг зоти яхши эмас. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, подадаги сигирлар асосан маҳаллий жайдари зотли. Улар орасида сариғу-қизил, қораю-оқ, ҳатто оласи ҳам бор. Буларнинг сони кўпайгани билан сути кўпаймайди. Берган озуқангиз беҳуда кетади.

Дарвоқе, колхоз чорвадорлари қишлов учун етарли ва сифатли озуқа жамғариш тўғрисида ҳам қайғурмадилар. Бу масъулиятли иш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Оқибатда озуқа запаси мўлжалдагидан анча кам бўлиб қолди. Масалан, қишлов давридаги энг асосий ширали озуқа ҳисобланувчи силос пландаги 1950 тонна ўрнига 1750 тонна, беда пичани эса 740 тонна ўрнига 540 тонна бўлди. Бостирилган силос мўлжалдагидан анча кам бўлиб қолганлиги учун кунлик рационда 20 килограмм қиличб белгиланган. Соғин сигирлар учун бу камлик қилади, албатта. Бунинг устига силоснинг сифати ҳам талабга жавоб бермайди. Чунки у дон учун экилган макжўхорининг ҳосили йиғиштириб олинганидан сўнг, қуриб қолган поясидан бостирилган.

Озуқа запаси кам бўлган пайтда уни беҳуда исроф қилмай, тежаб-тергаб сарфлаш учун озуқа цехи бенуқсон ишлаб туриши керак. Афсуски, у ҳам бир кун ишласа, бир ҳафта ишламай ётади.

Мутахассис кадрларнинг тажрибасизлиги, ўз вазифаларига нисбатан масъулиятсизлиги, озуқа базасининг ночорлиги, хўжалик раҳбарларининг бу соҳага эътиборни сусайтириб юборганликлари оқибатида чорвачилик ривожланиш ўрнига йил сайин орқага кетяпти. Бугунги кунга келиб колхоз сут тайёрлаш бўйича область хўжаликлари ўртасида энг сўнгги ўринни эгаллаб турибди. Шуниси ажабланарлики, бундай аҳвол колхоз раҳбарларини мутлақо ташвишлантирмайди. Сабаби — улар бир неча йилдан бери қолоқлар сафида бўлиб, кўникиб қолишган.

Тўғри, бу йил Украинадан 120 бош қора-ола зотли ғунажинлар келтирилди. Мутахассислар бу ғунажинларинг келгуси йилдан сигирлар подасига қўшилгач, сутнинг кўпайишига умид боғлашяпти. Аммо фақат сигирлар зотини яхшилаш билан иш битмайди. Фермада қатъий меҳнат интизомини ўрнатиш, молхоналарни, территорияни тартибга келтириш, айниқса озуқа базасини мустаҳкамлаш зарур. Ана шунда қолоқликдан қутулиб, жамоат бойлиги бўлган чорвачиликни давр талаби даражасига кўтариш мумкин бўлади.

А. ИЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

БИР КОРХОНАДАН УЧ ХАБАР

ЧИҚИТСИЗ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқитсиз технология асосида ишлашга ўтилди. Бу ерда турли сабабларга кўра нобуд бўлган товуқ ва жўжалар, шунингдек, тухум пўчоқлари махсус қозонларда пиширилиб, паррандалар учун оқсилли озуқа моддаси тайёрланади.

Яқинда бирлашмада КГВМ-4,6 маркали яна бир агрегат ишга туширилди. Уни қуриш учун 30 минг сўмга яқин маблағ сарфланди. Қурилиш ишларининг асосий қисми эса бирлашма ишчилари томонидан бажарилди. Энди паррандалар учун кунига қўшимча равишда 700 килограммга яқин тўйимли, оқсилли озуқа тайёрланяпти.

ЦЕХ КЕНГАЙДИ

Мазкур бирлашманинг мавжуд озуқа цехида 1 миллион парранда учун емиш тайёрланади. Бироқ, кейнги пайтда паррандалар бош сони янада ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида қўшимча озуқа запасига эга бўлишни тақозо этади. Шунинг учун ҳозирги кунда бирлашма цехи кенгайтириляпти. Қўшимча яна икки комплект «Маяк-6» маркали озуқани қайта ишловчи агрегат ўрнатилди. У ишга тушгач мазкур цехда 1,5 миллион парандага мўлжалланган тўйимли, витаминли ўт уни тайёрлаш имкони туғилади.

УНУМДОРЛИК ОШДИ

Паррандахоналарни замонавий ускуна ва механизмлар билан жиҳозлаш меҳнаткашлар иш шароитини яхшилаш билан бирга унумдорликни ошириш ҳам табиийдир. Айни пайтда бирлашмадаги яна 4 та паррандахонанинг эскирган ускуналари Иттифоқимизда тайёрланган ва Венгриядан келтирилган механизмларга алмаштирилди. Бу эса мазкур паррандахоналар қувватини 25 процентга оширди.

Қ. КАРИМОВ.

ДЎСТЛИК ҚОНУНИ БИЛАН

МЕЛИОРАТОРЛАРНИНГ БРИГАДА ПУДРАТИ

Ўзбекистонлик мелиораторлар Иваново области Шуя районидаги «Качаловский» совхозида энг катта далани яхшиладилар. Улар қисқа муддат ичида ботқоқликни қуритдилар, ёпиқ зовур-қувурлар ётқиздилар, ерга ўғит солдилар. Шунинг учун ҳам захи қочирилган майдонлардан олинган жавдари бошқа майдонларга нисбатан қарийб икки баравар кўп бўлди.

— Жавдар ва буғдойдан биринчи ҳосил олинди,—дейди совхоз директори К. Буланцев.— Келаси ёз 700 гектарлик массивдаги ўт-ўлан ҳам ўримга келади. Натижада икки баравардан ҳам кўп ем-хашак тайёрлаш мумкин бўлади.

Ноқоратупроқ зонада кўпчилик далалар хўжалик оборотида. Шунинг учун ҳам уларни янгилаш учун фурсат топиш осон эмас. Шундай шароитда суръат кўпгина ишларни ҳал этади.

Шуя районида 850 гектардан кўп ерни эгаллаган «Жизнево» объектида В. Михайловнинг комплекс бригадаси ишлайди. Бу ерда кўклам бошларигача майдонларнинг бир қисмигина бўшаган бўлсада, мелиораторлар белгиланган муддатдан бир ой илгари қарийб 400 гектардан иборат биринчи навбатдаги далаларни фойдаланишга топширдилар.

Бригада пудрати ишларни тезлатишга ёрдам бермоқда. Бутун коллектив ихтисослашган звеноларга бўлиб чиқилган. Шуларнинг бири кўприк, йўл қурса, иккинчи бир звено магистраль каналлар қазийди, учинчи звено зовур тармоқларини барпо этади, тўртинчиси эса бир йиллик ва кўп йиллик экинларга ер тайёрлайди. Бирон участкада танглик юз берса, қўшилар ёрдамга ошиқадилар. Улар ўз ишларини қойил қилишгина қолмай бир неча турдош касбларни ҳам мукаммал эгаллаганлар. Бу ерда ҳар бир киши пировард натижадан — буюртмачига объектни муддатидан илгари топширишдан баб-баравар манфаатдордир.

— Эндиликда хоҳ катта иш, хоҳ кичик ишда тежаб-тергашнинг ҳаммамизга нафи бор,— дейди Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор, экскаваторчи Н. Баринов. Унинг учун бир кунда бир ярим норма бажариш қонун бўлиб қолган. Экскаваторнинг чўмичи эскирганида Николай Александрович уни магистраль каналларнинг қиялиликларини қирадиган қилиб мослади.

Битта наряд билан ишлаш механизациялашган колонна коллективини жипслаштирди, уюшқоқлик ва интизомни ошириди. Меҳнат унумдорлиги ҳам ортди, албатта. Масалан, колоннада бир ишчининг иш унуми «Ивановоирсовхозстрой» трести бўйича ўрта ҳисобда 30 процент юқори.

А. ФРАНКОВСКИЙ,
ТАСС, ЎзТАГ мухбири.
Иваново области.

УСТОЗ ҚУВОНЧИ

БРИГАДА тикувчилари ўртасида интизом бўшашиб кетганлиги, ташаббускорликнинг етишмаслиги Валентина Александровани ташвишга сола бошлади. Нега ташвишланмасин. Ахир коллективдаги меҳнат ветеранларининг бири бўлса, қолаверса, мураббий сифатида ҳам кўпчилик ҳурматига сазовор бўлган. Шундай экан, коллектив ҳақида у қайғурмай ким қайғурсин. Шуларни хаёлидан ўтказар экан ветеран тикувчи сменадан сўнг уйга отланишга тараддуд кўраётган касбдошларига юзланди.

— Менда бир таклиф бор эди, — деди у ҳаммага бирма-бир разм солиб чиқаркан. — Ишларимиз қувонтирадиган даражада эмас. Интизом ҳам анча бўшашиб кетган. Қолаверса, ҳар биримизда ташаббускорлик етишмайди. Қачонгача шу аҳвол давом этади. Аввалари топшириқларни 120 процентдан ошириб бажарган пайтларимиз ҳам бўлган. Ҳозир эса планлар учма-уч бажарилаяпти.. Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ, ғайрат қилсак бошқалардан кам ишламаймиз.

— Тўғри, — деди яна кимдир ҳаяжонини яшира олмай.

— Ҳозир кўплаб меҳнат коллективларида беш кунлик топшириқни тўрт иш кунида бажариш юзасидан бошланган ҳаракат тобора кенг қулоч ёймоқда. Нега энди биз ҳам ана шу ташаббусга қўшилиб ишламаймиз?! Топшириқларни ортиғи билан бажара олмаймиз. Чунки ҳаммамиз хотиржамликка берилиб кетганмиз. Фақат ўз ишимизни уддалаш билангина чекланамиз, холос. Коллектив манфаатлари йўлида жон қойитмаймиз.

Таклиф ўша куниёқ ҳаммага маъқул бўлди. Бригада бошлиғи Алевтина Клешук тажрибали тикувчилар билан ҳамкорликда ишчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, топшириқларни ошириб бажаришга эришиш учун янги режалар белгилади. Эртаси куни ўша режалар асосида иш юрита бошладилар. Тикувчилар ҳам қараб туришмади. Валентина Александровани фиқрини қўллаб-қувватлаб, уни амалга оширишга якдиллик билан киришдилар. Тез орада бригада коллективи дастлабки ютуқларга эриша бошлади. Меҳнат унумдорлиги анча кўтарилди. Топшириқлар ортиғи билан бажарилдаги, унга эришиш учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлайдиган бўлиб қолди.

Айни кунларда «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5-цехига қарашли Алевтина Клешук бошчилик қилаётган бригада чеварлари корхона коллективлари ўртасида авж олдирилган ўзаро меҳнат беллашувида пешқадамликни бой бермай келишмоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки, коллективда мураббийчилик ҳаракатига эътибор кучайтирилган. Бригаданинг ветеран ишчилари ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилибгина қолмасдан ёшларга ўз касбининг сир-асрорларини ўргатишяпти.

Валентина Александрова бригаданинг шундай жонкуяр тикувчиларидан бири. Унинг бу коллективда меҳнат қилаётганига йигирма беш йилдан ошди. Шу вақт мобайнида тажрибали ишчи ўттиздан зиёд ёшларга касб ўргатиб, уларнинг маҳоратларини оширишга кўмаклашди. Ҳозир шогирдлари корхонанинг турли бўлинмаларида самарали меҳнат қилишмоқда. Светлана Попова, Манзура Зиёмуҳамедова, Дилором Каримова сингари шогирдлари эса илғорлар сафидан жой олишган.

— У ёшларнинг ғамхўр мураббийси, пешқадам ишчигина эмас, жамоат ишларининг актив қатнашчиси ҳамдир, — дейди биз билан суҳбатда цех бошлиғи Шарифа Юсупова, Валентина Александрова ҳақида тўлқинланиб. — Бир неча йиллардан бери бўлинма касаба союз комитетининг раислигига сайланади. Қизлари Наташа ва Светлана, куёви Алексей ҳам унинг изидан бориб, корхонамизда ишлашяпти.

Мураббий тикувчи меҳнат қилаётган бригада ишчилари ўтган ойлар мобайнида топшириқларни ошириб адо этишди. Йилнинг ўтган даври ичида меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 28,3 процентга ошди. Бунинг эвазига қўшимча 2319 дона аёллар пальтоси ишлаб чиқарилди. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш марралари ҳам дадил эгалланиб, 10 минг сўмликдан зиёд маблағ жамғарилди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

ЛАБОРАТОРИЯДАН АМАЛИЁТГА

СУНЪИЙ ЗИЛЗИЛА СИНАБ БЕРАДИ

Худди зилзила бўляпти дейсиз. Тўққиз қаватли, нафис ҳаво рангли бино астасекин тебрана бошлайди. Секундлар ўтган сайин унинг силкиниши кучайиб боради. Ердан бу манзарани кузатган одам «ҳозир бир кор-ҳол рўй берса керак, бинонинг бориб-келиши ўта хавотирли-ку» деб ўйлайди. Бир минут давомида қаттиқ қимирлаб турган бинода энди силкиниш суръати пасайиб, у сокин ҳолга келади. Аслини олганда ҳозир рўй берганидек узоқ ва катта куч билан силкинадиган зилзилалар камдан-кам содир бўлиши кузатилган. Демак, бино зилзилабардошлиги жиҳатидан ишончли оқлади. Чунки у икки кун давомида бир неча бор сунъий зилзила ҳуружига чидаб берди, лекин шикаст топмади.

Сунъий зилзила ҳосил қилиш устида Тошкент политехника институти Қурилиш механикаси ҳамда иншоотлар зилзилабардошлилиги кафедрасининг тармоқ лабораторияси ҳамда Электропривод кафедраси ўқитувчиолимлари тадқиқот олиб боришмоқда. Яқинда ана шу коллектив янги Ангрен ГРЭСининг бош корпусидаги энг баландда жойлашган металл рамали конструкцияни ҳам синовдан ўтказиб берди. Кучлигина зилзилага бардош берган бу иншоот ўз бунёдкорлари юзини ёруғ қилди.

Бундай тажрибалар ўтказиш вақтида бинони қимирлатиб қўйишгина муҳим бўлиб қолмай, балки силкиниш-лар ҳаракатини ёзиб олиш, уларни тадқиқ этиш ҳам катта аҳамият касб этади. Ана шу илмий изланишларнинг ҳаммасига «Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги» кафедрасининг мудири техника фанлари доктори И. С. Абдурашидов бошчилик қилмоқда.

— Тошкентнинг янги Бош планида шаҳарда кўп қаватли бинолар қурилиши кўламини янада кенгайтириш кўзда тутилади, — дейди олим,—тўққиз қаватли уйни сунъий қимирлатиш заруратн ҳам ана шундан келиб чиқди.

Уйсозлик комбинатларининг мавжуд моддий базаси ва имкониятларини ҳисобга олиб кўп қаватли уйлар қуриш учун лойиҳалар тайёрланди. Ана шундай бинолар қурилишининг дастлабки босқичида ТДСК-71 А/77 серия-сидаги уйларнинг лойиҳа андазаси такомиллаштирилди. Бу андазага мувофиқ хоналар планировкаси янада яхшиланди, панелларнинг бирбирига уланадиган қисми пухталанди, уйларнинг зилзилага чидамлилигини ошириш бўйича яна бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Фан ютуқларини қўлланиш ва лойиҳалашда қулай методлардан фойдаланиш туфайли ТДСК 7 А/77 серияли 9 қаватли уйлар таннархи 1 Г-СП серияли уйларникига қараганда анча арзон тушди. Энг муҳими 4—5 қаватли уйлар қуришдан 9 қаватли уйлар қуришга дадил ўтиш имконини берди.

Қурилиш сифатини ошириш ва бу соҳадаги ички резервлардан унумли фойдаланишда, лойиҳалашдан тортиб бино фойдаланишга топширилгунга қадар экспериментал изланишлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Яқин-яқинларгача бундай тадқиқотлар асосан лабораторияларда, биноларнинг маълум бир узелларини, айрим элементларини синовдан ўтказиш билан чегараланарди. Қудратли тебратиш машинаси ёрдамида бутун бир бинони бошдан-оёқ силкитиб сунъий зилзила ҳосил қилиш эса иншоотнинг чидамлилик кучини аниқ белгилаш имконини берди. Бу янгиликнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши ва уйсозлик комбинатларида панеллар ишлаб чиқариш технологияси ўзгартирилмаган ҳолда кўп қаватли уй-жойлар қуришга ўтиш туфайли эришиладиган самара бир неча миллион сўмни ташкил этмоқда.

Ф. ИСМОИЛОВ,
техника фанлари кандидати.

ЧЕТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

ПБИП Марказий Комитетининг пленуми

ВАРШАВА. (ТАСС). ПБИП Марказий Комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленумида ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ярузельский нутқ сўзлади.

Бу йил, деди у, умуман муваффақиятли, самарали йил бўлди. Деярли барча фаолият соҳаларида олға силжиш қилинганлиги сезилиб турибди. Мамлакатдаги аҳволни нормаллаштириш йўлида катта қадам қўйилди. Бу — ПБИП ғоят зўр куч-ғайратларининг, партия Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси олиб борган қизғин меҳнатнинг натижасидир. ПБИПнинг 1986 йил биринчи ярмига мўлжалланган X съезди бизнинг зиммамизга бажарилган ва ҳали бажарилиши лозим бўлган ишларга пухта баҳо бериш мажбуриятини юклайди.

ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари ПХР партия-ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган визити, унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненко билан учрашуви ва музокаралари, шунингдек Москвада «2000-йилгача бўлган даврда СССР билан ПХР ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг узоқ муддатли программаси» имзоланганлиги бу йил ПХРни ривожлантиришда жуда муҳим босқич бўлиб қолганлигини таъкидлади.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ БУДАПЕШТ. Бу ерда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1985 йилги плани эълон қилинди. Бу планда мамлакатнинг социалистик қурилиш йўлидан тинимсиз олға силжиши, экономика, фан, маданият соҳасида янги марраларни эгаллаши, венгер халқининг моддий фаровонлигини янада ошириш кўзда тутилади.

ВХРда келгуси йили миллий даромад шу йилдагига нисбатан 2,3—2,8 процент ошиши лозим, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 3 процент кўпайиши керак. Бунда саноат ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга катта эътибор берилади. Ҳужжатда хомашё ва энергияни тежашнинг, иккиламчи хомашёдан ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан оқилона фойдаланишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги уқтирилади.

◆ РИМ. Италия ҳукумати парламентдаги кўпчиликка таяниб сенатда 1985 йилги молия қонуни ва давлат бюджети лойиҳаларини маъқуллашга эришди. Ҳар икки ҳужжат ҳукмрон кабинет «қаттиқ тежаш» сиёсатига бундан буён ҳам амал қилишга интилаётганлигидан далолат беради. Бу сиёсат мамлакатдаги миллион-миллион меҳнаткашларнинг ғарданига оғир юк бўлиб тушмоқда.

Бир қанча оппозициячи партияларнинг сенаторлари, аввало итальян коммунистлари қонун лойиҳаларига қарши овоз бердилар.

◆ САНО. Бу ерда Ислом конференцияси ташкилоти аъзоси бўлган давлатлар ташқи ишлар министрларининг 15-конференцияси ўз ишини тамомлади. Конференцияда 45 та мусулмон мамлакатларининг намояндалари иштирок этдилар.

Қабул қилинган резолюцияларда конференция иштирокчилари Исроил қўшинларини араблардан босиб олинган барча ерлардан чиқариб юбориш ҳамда фаластинлик араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзининг мустақил давлатини барпо этиш қонуний ҳуқуқлари қондирилиши Яқин Шарқдаги можарони ҳар томонлама ва одилона бартараф этишнинг асосий шарти эканлигини таъкидладилар. Улар Вашингтон билан Тель-Авив ўртасидаги «стратегик иттифоқ» деб аталган Яқин Шарқдаги Қўшма Штатларнинг сиёсатини, шунингдек Кэмп-Дэвид битимини ва шу битимга асосланган Яқин Шарқдаги можарони бартараф этишга оид барча вариантларни кескин танқид қилдилар.

Конференция Эрон-Ироқ можаросини тезроқ тугатишга даъват этди ва Африка жанубидаги халқларнинг ЖАР ирқчи режими ўтказаётган апартеид сиёсатига қарши курашини қўллаб-қувватлаяжагини айтди.

(ТАСС).

ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ҒАЗАБЛАНМОҚДА

ПАРИЖ. (ТАСС). Қўшма Штатларнинг, шунингдек, унинг изидан борган Буюк Британиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО) составидан чиқиш тўғрисидаги қарори мазкур халқаро ташкилотнинг қароргоҳи жойлашган Франция ҳам, шунингдек ЮНЕСКОга аъзо бўлган бошқа мамлакатларда ҳам қаҳр-ғазаб уйғотди.

«Юманите» газетаси бу қадамни «қасддан қилинган саботаж» деб таърифлади. АҚШ давлат секретарининг халқаро ташкилотлар ишлари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Г. Ньюэел, деб ёзади газета, халқаро ташкилотни гўё «матбуот эркинлигига, иқтисодий эркинликларга ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга нисбатан ҳамон душманчилик позициясида турганлиги» учун айблади. Аслида, деб уқтиради «Юманите» газетаси, ЮНЕСКО халқаро минбар бўлиб, кўпгина миллатларнинг вакиллари ана шу минбардан туриб АҚШнинг маданият ва ахборот соҳасидаги ҳукмронлигини ҳамда улар экономикасига кўп миллатли монополиялар қилаётган зўравонликни фош этаётганликлари факти Вашингтоннинг дидига тўғри келмаяпти. ЮНЕСКО ривожланаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлаётганлиги ҳам Вашингтонга ёқмаяпти. Маълумки, халқаро капитал мазкур мамлакатларни эксплуатация қилишдан жуда катта фойда олмоқда.

✦ ПАРИЖДА бўлиб ўтган умуммиллий тинчлик юриши (суратда) француз меҳнаткашларининг тинчлик учун чиқишларининг энг асосийси бўлди. Бу юришда 350 минг нафардан кўпроқ киши иштирок этди. Намойишчилар сафида турли авлодга, социал табақаларга, сиёсий эътиқод ва диний қарашларга мансуб кишиларни учратиш мумкин эди.

А. Красников фотоси.

(ТАСС).

ОШКОРА ҚАЛЛОБЛИК

БОННН. (ТАСС). Ғарбий Германиядаги ЦДФ телевидениесининг иккинчи программаси орқали Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисида «тарихий ҳужжатлар» деб расмий равишда талқин этилган фильм кўрсатилди. Бироқ, бу «асар» аслида ошкора қаллобликдан иборат бўлди.

Унинг муаллифи — Гельмут Ланге узоқ вақт Москвада ЦДФ телевидениесининг мухбири бўлиб ишлаган. Аммо у СССРда бўлган чоғида совет халқининг бошқа халқлар ва давлатлар билан тинчликда яшашга астойдил интилишини кўришни хоҳламаган. Тарихга мутлақо алоқаси бўлмаган «асарида» у океан нариёғидаги баъзи арбобларга жўровоз бўлиб, СССРни қандайдир «ёмонлик империяси» қилиб кўрсатишга уринади. Унинг таъбирича, иттифоқдош республикаларнинг Совет Иттифоқига бирлашуви «Россиянинг бошқа халқларни ўзига бўйсундириш йўлидаги уриниш» эмиш.

Муаллиф фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган миллион-миллион совет кишиларининг хотирасини таҳқирлаб, Европа халқларини нацистлар зулмидан озод қилган Совет Армиясининг халоскорлик вазифаси ҳақиқатда «Совет Иттифоқининг агрессив муддаолари»ни кўзлар эди, деган гапни айтишгача бориб етди. Бу ҳам етмагандек, Лангенинг «ёрдами» билан реваншизм марази телеэкранга суқулиб кирди. Муаллиф очиқдан-очиқ реваншчилик шиорларини ҳам ўртага ташлаб, дунёдаги, жумладан Осиёдаги урушдан кейинги чегараларни қайта кўриб чиқишга чақиради.

Шу кунларда жаҳон, шунингдек ГФР тараққийпарвар жамоатчилиги Иккинчи Жаҳон урушида гитлерчилар фашизми тор-мор этилганлигининг 40 йиллигини муносиб нишонлашга ҳозирлик кўрар экан, бунда озодлик вазифасини амалга оширган совет халқи ҳал қилувчи роль ўйнаганини англаб турибди. Аммо реакцион доиралар тарихни қалбакилаштиришга, антисоветизмни авж олдиришга уринмоқдалар. СССР билан нормал муносабатга қарши бўлганларнинг тегирмонига сув қуяётган телевизион қаллобликнинг намойиш этилиши ГФРда ҳукмрон доиралар ва реакцион ташвиқотчилар қўллаб-қўлтиқлаётган реваншчилик, милитаристлик ва янги нацистлик тенденцияси кучайиб бораётганлиги хусусида ГФР ва бошқа мамлакатлардаги жамоатчиликнинг хавотирлиги нақадар асосли эканини кўрсатиб турибди.

Пасткаш телевизион «асар» пайдо бўлганлиги учун ва бу нарса СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларга етказадиган зарар учун Боннинг расмий доиралари ҳам жавобгар эканликларини уқтириб ўтмоқ керак, чунки ЦДФ иккинчи телепрограммасининг раҳбар органларида федерал ҳукумат ва ГФРдаги ҳукмрон сиёсий партиялар арбобларининг юқори мансабдор вакиллари иштироқ этмоқдалар.

МАЪМУРЛАРНИНГ ҚАРОРИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистондаги Мадхья-Прадеш штати ҳукумати Американинг «Юнион карбайд корпорейшн» компаниясининг Бхопал шаҳридаги корхонасини ишлатиш учун лицензияни 1985 йилга узайтиришдан воз кечди. Расмий маълумотномада заводда хавфсизликни таъминлашга оид тадбирлар қўпол равишда бузилганлиги муносабати билан шундай қарор қабул қилинганлиги уқтириб ўтилади. Илгари хабар қилинганидек, «Юнион карбайд» компаниясининг эгалари йўл қўйган жиноятқорона совуққонлик омборлардан заҳарли газ чиқишига сабаб бўлди. Шунинг натижасида 2.500 киши ҳалок бўлди ва заҳарланиш туфайли 50 мингдан ортиқ киши оғир жароҳатланди.

Ҳиндистон матбуоти Бхопалдаги фожиа сабабларини таҳлил этиб, корхонада газ чиқиши хавфи тўғрисида олдиндан огоҳлантирувчи контроль приборлар бўлмаганлигини уқтириб ўтади. Текширишлар шуни кўрсатдики, заводда узоқ вақт мобайнида технологик жараёнлар доирасидан ташқаридаги эксперименталр ўтказилган. Корхона комплексида илмий-тадқиқот лабораториялалари бўлиб, у ерда ғоят маҳфий вазиятда янги химиявий моддалар ишлаб чиқилганлиги ва улар тропик шароитда синаб кўрилганлиги аниқланган. Янги ғоят заҳарли бирикмаларни тадқиқ этишга ҳар йили 300 минг доллар ажратилган.

Маълумки, «Юнион карбайд» кўп йиллар давомида Пентагоннинг асосий пудратчиларидан бири бўлиб химиявий қуролнинг янги-янги турларини актив равишда ишлаб чиққан.

Халқ ёзувчиси Комил ЯШИН таваллудининг 75 йиллигига

ҲАМЗАГА ШОГИРД, ИЗДОШ

ШУ КУНЛАРДА жонажон республикамизда ўзбек-совет адабиётининг асосчиларидан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, академик Комил Яшиннинг етмиш беш йиллиги кенг нишонланмоқда.

Устоз сўз санъаткори улкан ижодий йўлни босиб ўтди. Комил Яшиннинг номини эшитмаган, унинг асарларини билмайдиган ва эъзозламайдиган китобхонлар йўқ десак, асло муболаға бўлмайди. У адабиётимиз остонасига биринчи қадам қўйганданоқ янги ҳаёт қўйнига кирган она-юртимиз бахтини, эркин меҳнат нашидасини сураётган бунёдкор халқимизнинг орзу-умидини куйлашга ошиқди. Шу боисдан ҳам Комил Яшин: «Унганман қипқизил шуъла қўйнида, ғамалам, қайғуга улфат эмасман, бахт топдим шу янги ҳаёт йўлида, жон борки, бу йўлдан нари кетмасман...», — деб ёзган эди.

Оташин инқилоб куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг содиқ шогирди ва изчил сафдошларидан бири бўлган Комил Яшин 20-йиллардаёқ социалистик адабиётнинг энг актуал вазифа ва проблемаларини тараннум этиб, ўз асарлари билан адабиётни бойитишга, унинг жанговарлигини кучайтиришга муҳим ҳисса қўшган эди.

Ўзбек совет адабиётида биринчилардан бўлиб коммунист образини яратган адиб ҳам Комил Яшин ҳисобланади. Унинг илк йирик пьесаси «Икки коммунист» (кейинги номи «Тор-мор»)даги Арслон образи бутун адабиётимиз ривожида катта босқич бўлди. Бу образ орқали драматург Коммунистик партиянинг раҳбарлик ролини кўрсатиб берди. Шу билан бирга адиб янги мавзу ва замонавийлик, ижобий қаҳрамонлар яратиш борасида фаол иштирок этди. Халқ ҳаёти билан ҳамнафас бўлиш, меҳнаткашларнинг орзу-умидларини дилдан ҳис этиш Яшин ижодининг муҳим фазилатларидан бири бўлиб келди.

Ўттизинчи йилларда бирин-кетин саҳна юзини кўрган «Ўртоқлар», «Номус ва муҳаббат» номли пьесаларида драматург коллективлаштириш мавзусига қўл уриб, колхоз тузумининг жонкуярларидан бўлган Азамат, Саримсоқ, Михайлов, Онахон каби унутилмас қаҳрамонлар образини яратди. Бу пьесаларда Яшин янги социалистик воқеликдаги янгича меҳнат муносабатлари кишиларни тарбиялашга қудратли таъсир қилишини моҳирона кўрсатиб берди.

Комил Яшин ижодида хотин-қизлар мавзуси алоҳида ажралиб туради. Шу ўринда халқимизнинг маънавий мулкига айланган «Гулсара» ва «Нурхон» пьесаларини эслаб ўтиш ўринлидир. Бу асарларда ўзбек хотин-қизларининг чинакам маънодаги озодлик учун олиб борган шонли кураш йўли ниҳоятда чуқур ифодалаб берилди. Шу боисдан бу унутилмас образлар озодлик учун курашнинг тимсолига айланиб кетди.

Улуғ Ватан уруши йиллари ҳар бир совет кишиси қаторида ижодкорлар учун ҳам катта синов даври бўлди. Бу йилларда Комил Яшин ўнга яқин саҳна асари — пьеса, либретто, сценарий, музикали драмалар яратди. Бу асарлар ўзининг ватанпарварлик ва жанговарлик руҳи билан тезда томошабинларнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди. Айниқса, бу асарлар орасида «Ўлим босқинчиларга», «Даврон ота» ва «Офтобхон» асарлари халқимизнинг немис-фашист босқинчилари устидан тезроқ ғалаба қозониши учун сув ва ҳаводек зарур бўлган юксак эътиқод ва ишончини мустаҳкамлашга катта ёрдам берди, кишиларга чексиз руҳий-маънавий куч-қувват бағишлади. Адибнинг «Фарҳод ва Ширин» (Алишер Навоий достони асосида), «Равшан ва Зулхумор» музикали драмаларида эса халқимизнинг асрий орзу-умидлари, мардлик ва садоқати, озодлик ва муҳаббат ҳамда адолат каби улуғ инсоний фазилатлар ҳусусидаги ўйлари улуғланди.

Ҳар бир ижодкор номини китобхонлар орасида машҳур қилган, унинг истеъдоди нималарга қодир эканлигини намойиш этувчи асарлари бўлади. Шу маънода Комил Яшиннинг «Йўлчи Юлдуз» ва «Инқилоб тонги» драмалари алоҳида ажралиб туради.

«Йўлчи юлдуз» ўзбек совет адабиёти тарихида муҳим ўрин тутувчи саҳна асарларидан биридир. Муаллиф бу пьесасида ўзбек адиблари орасида биринчилардан бўлиб пролетариат доҳийси, буюк инсон — В. И. Ленин образини яхлит планда гавдалантириб берди. Мазкур асар ўзбек-совет драматургиясининг энг катта ютуғи сифатида кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилди.

Атоқли адиб ижодида Октябрь инқилоби ва унинг Ўрта Осиё халқлари тақдиридаги муҳим роли мавзуси алоҳида ўрин тутади. Шу маънода Яшиннинг «Инқилоб тонги» пьесасида Бухорода 1920 йилда юз берган шиддатли синфий кураш, инқилобий ҳаракат бадиий гавдалантириб берилди. Муаллифнинг алоҳида хизматги шундаки, адабиётимизда бу мавзу мазкур асарга қадар ўзининг тўла маънодаги бадиий ифодасини топмаган эди. Драматург тарихий воқеаларга марксизм-ленинизм таълимотидан дарс олган ҳолда ёндашиб, Бухоро инқилобининг иштирокчилари — халқ орасидан етишиб чиққан юксак эътиқодли ва жасур фарзандларининг умумлашган образларини яратган ҳолда бадиий гавдалантирди.

Комил Яшиннинг ҳаёти ва самарали ижоди ҳусусида жуда кўп гапириш мумкин. У бир неча йиллар давомида Ўзбекистон ёзувчилар ташкилотига раҳбарлик қилди. Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатининг фаол иштирокчиси ва арбоби сифатида ҳам жуда катта фаолият кўрсатиб келмоқда. Устоз ва аллома адиб СССР Давлат мукофотининг лауреати ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, республика Олий Советининг депутати, бир неча орден ва медаллар нишондори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони... Атоқли адиб кейинги йилларда янада самарали ижод қилиб, ўзининг кўп йиллик улкан бадиий полотносига нуқта қўйди: инқилобнинг оташин куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаётига бағишланган роман ёзувчининг мухлислари қўлига тенгди.

Совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари ва СССР Ёзувчилар союзи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан совет адабиётининг бир гуруҳ кўзга кўринган намоёндалари қаторида Комил Яшин яқинда «Халқлар дўстлиги» ордени билан тақдирланди. Бу жонажон партия ва ҳукуматимизнинг атоқли адиб ижодига берган юксак баҳосидир.

Устоз сўз санъаткори Комил Яшинни таваллудининг 75 йиллиги билан муборакбод этиб, унинг кўп сонли мухлислари номидан аллома ёзувчига ҳамиша бардамлик ва янги ижодий парвозлар тилаймиз.

Раҳмат ФАЙЗИЙ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

✦ **СУРАТДА:** Комил Яшин қаламкаш дўстлари даврасида.

С. Маҳкамов фотоси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

26 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 да

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўрик-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК»

АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ғуломжон ЕҚУБОВ

Ўзбекистон ССР халқ артистлари ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари

Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА,

Дилафрўз ЖАББОРОВА
Ўзбекистон ССР халқ артисти Маъмура ЭРГАШЕВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА
Бадиий сўз устаси Ҳасан ЙЎЛДОШЕВ

Солистлар: Бахтиёр ҲОЛХЎЖАЕВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Дилором ҚАЮМОВА.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати **Қодир МЎМИНОВ.**

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Билетлар Я. М. Свердлов номли концерт залида ва В. И. Ленин номли СССР Халқлари Дўстлиги саройининг кассаларида соат 11 дан сотилади.

Коллектив заявкалар қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

БИРИНЧИ МАРТА

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
1—10 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ СОАТ 12.00 ВА 16.00 ДА

АРЧА АТРОФИДА

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Янги йил томошаларида М. Горький номли театр артистлари, «Саҳнада цирк» коллективлари, чиройли қилиб безатилган уч отли арава, сувенирлар ва совғалар билан савдо қиладиган ярмарка қатнашади.

Меҳмонларни Қорбобо ва Қорқиз севимли эртакларнинг қаҳрамонлари билан бирга кутиб олади.

Билетлар «ПАХТАКОР» Марказий стадиони кассаларида сотилмоқда.

41-30-23 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

27 ДЕКАБРЬ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА

САНЪАТ УСТЛАРИНИНГ КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Концертда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат Академик катта театрининг етакчи солистлари ва Андижон область филармониясининг солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ

ИШТИРОК ЭТАДИ

Билетлар Навоий номли Ўзбек Давлат академик катта театри кассасида соат 11 дан 20.00 гача сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

33-90-81, 33-18-47 телефонлари бўйича справкалар олишингиз мумкин.

АВТОМОБИЛЬ ҲАВАСКОРЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

«Ташспорткультторг»нинг 16-«Автомобиль» магазинида
«МОСКВИЧ» ВА «ЗАПОРОЖЕЦ»
МАРКАЛИ АВТОМАШИНАЛАР
БЕМАЛОЛ СОТИЛМОҚДА.

Магазин адреси: Татаристон АССР, Қозон шаҳри, Ямашев проспекти, 11-уй.

Маълумотлар учун телефон: 53-15-17.

«Қозон «Росторгреклама» комбинатининг реклама агентлиги.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-21).

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ «Турист»

ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БЎЙИЧА МАРОҚЛИ АВИАСАЁҲАТЛАРГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Сочи (Лазаревское), дам олиш уйи **1985 йили 25 январдан 14 февралгача.** Баҳоси—237 сўм.

Сочи (меҳмонхона), **5 дан 25 январгача, 26 январдан 15 февралгача.** Баҳоси—258 сўм.

Кисловодск (ҳусусий сектор) **29 январдан 17 февралгача.** Баҳоси—250 сўм.

Железноводск (ҳусусий сектор) **21 январдан 7 февралгача.** Баҳоси—215 сўм.

Ессентуки (ҳусусий сектор) **12 январдан 31 январгача.** Баҳоси — 240 сўм.

Визу—Ленинград—22 январдан 1 февралгача. Баҳоси—220 сўм.

Таллин—Пярну — 29 январдан 8 февралгача. Баҳоси—223 сўм.

Ленинград (Репино қишлоғи) **12 январдан 21 январгача, 31 январдан 9 февралгача.** Баҳоси—212 сўм.

Путёвка баҳосига самолётда бориш ва қайтиш, овқатланиш, яшаш, экскурсия хизмати ҳақи ҳам киради.

Путёвкани нақд пулсиз ва нақд пулга олиш мумкин.

Адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй. Телефонлар: 39-13-59, 39-43-73.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА
1984 йил 28 декабрь 1985 йил 8 январь кунлари

Мультипликацион фильмларнинг машҳур қаҳрамонлари иштирокида

«ҚОРБОБОНИНГ СОВҒАЛАРИ»

Янги йил эртак цирк томошалари ўтказилади

Томошалар қуйидаги соатларда бошланади:

28 декабрь —15.00;
29, 30 декабрь — 11.00, 13.00, 15.00;
31 декабрь —15.00;
1 январь —15.00;
2, 3, 4, 5, 6, 8 январь —11.00, 13.00, 15.00 да.

Билетлар «Юбилей» марказий спорт залининг кассаларида ва вакил кассирларда ҳар куни 10 дан 20.00 гача сотилади.

Коллектив бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Маълумот олиш учун телефонлар:
Администратор: 46-07-53, 46-68-77,
Касса: 46-03-12, 46-70-31.

Сизда қандай янгилик бор?

ХАЛҚ САНЪАТИ БАЙРАМИ

Р. БАКРАТОВА,
Бекобод шаҳар маданият уйининг директори

— Шаҳримизнинг клублари, йирик саноат корхоналарининг маданият саройларида бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концертлари бўлиб ўтди. Унда асосан пахта йиғим-теримида маданий хизмат кўрсатган агитбригадалар, ҳаваскорлик ансамбллари, иштирок этдилар.

Томошабинларга айниқса Ирина Третьякова бадиий раҳбарлигидаги «Пульс» агитбригадасининг куй ва қўшиқлари, театрлаштирилган композициялари манзур бўлди. Улар металлургия заводи ишчиларига репертуарларидан ўрин олган энг яхши номерларини бағишлашди. Шунингдек, ўзбек чолғу асбоблари ансамблининг классик қўшиқлари ҳам барчага манзур бўлди.

Шаҳар санъат байрами халқ талантларининг слёти билан якунланди.

ЎҚУВЧИЛАРГА ҚИШКИ ЛИБОСЛАР

Н. ГАНИНА,
Чирчиқ шаҳридаги «Ғунча» фабрикаси бригада бошлиғи

— Цехимизда қишки мавсумга мўлжалланган янги либосларни ишлаб чиқаришга киришилди. Улар асосан ўғил ва қизлар учун мактаб формалари комплектидир. Шу мақсадда цехдаги қатор ускуналар реконструкция қилинди. Энди улар ёрдамида мактаб формасини тикиш учун зарур бўлган бир неча қўшимча операцияларни бажариш мумкин.

Коллективимиз аъзолари буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида қўшимча социалистик мажбурият қабул қилдилар. Шунингдек, улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турини кўпайтиришга ҳам аҳд қилишди. Бригадамиз аъзолари ҳам шу ташаббусга қўшилиб, 9 Май байрамигача пландан ташқари 200 донадан кўп кийим-кечак тикиб беришга қарор қилдилар.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

СТУДЕНТЛАР УЧУН

М. Ҳусанов ва Ҳ. Жўраевларнинг **«Совет жиноятчи процессининг иштирокчилари»** рисоласи совет жиноят процесси фани бўйича муҳим қўлланмадир. Унда СССР ва Ўзбекистон ССР Конституциялари, СССР Прокуратураси, СССР Олий суди ва Совет адвокатураси ҳақидаги қонунларда белгиланган янги ҳолатлар ўз ифодасини топган.

Қўлланма ўзбек тилида таҳсил кўраётган талабалар ва практик ходимлар учун мўлжалланган.

* * *

И. Ҳамробоев ва Ф. Ражабовларнинг **«Петрография асослари»** китоби 1964 йилда босилган қўлланманинг иккинчи нашридир. Ўрта Осиё петрография кенгаши мавжуд қўлланмани қайта нашр этиш ва янги дарсликлар яратиш ҳақида қарор қабул қилди. Китобнинг бу нашрига қатор тузатиш, ўзгартиш ва тўлдиришлар киритилган. Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг биология факультети студентлари учун мосланган.

Қишлоқ хўжалик техникумлари учун **«Чорвачиликда машиналар ва электр установкаларнинг монтажи, ишлатилиши ҳамда ремонти»** китоби босмадан чиқди.

* * *

О. Шебалиннинг **«Молекуляр физика»** рисоласида газ, қаттиқ ва суюқ ҳолатдаги моддаларнинг ҳоссалари ва табиати ҳақидаги ҳозирги замон тасаввурлари баён этилган. Қўлланма педагогика институтлари физика-математика факультетларининг студентлари учун мўлжалланган.

Педагогика институти физика факультети студентлари, ўрта мактаб, ўрта ҳунартехника билим юртлари ўрта таълим системасида ишловчи физика ўқитувчилари ва физика-техника тўгаракларини олиб борувчилар учун **«Физика кабинетини жиҳозлаш»** қўлланмаси чоп этилди.

Бу китоблар «ЎҚИТУВЧИ» нашриётида босмадан чиқди.

УЛУҒ САНАГА БАҒИШЛАБ

ҚЎШИҚЧИ ВА ЧОЛҒУЧИЛАР КОНКУРСИ

Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми маданият саройида район вокаль-чолғу ансамбларининг кўрик-конкурси бўлиб ўтди. Конкурс Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланди. Унда районнинг ўндан ортиқ бадиий ҳаваскорлик коллективлари совет композиторларининг дўстлик, тинчлик ҳақидаги, шунингдек, фронт қўшиқларини маҳорат билан ижро этдилар.

— Кўрик-конкурс ғолиби «Спектр» ансамбли ўз маҳорати билангина эмас, ижро этган қўшиқлари мавзуси билан ҳам барчани мамнун этди,— дейди Чиноз район маданият бўлимининг бошлиғи Абдунаби Орипов.— Ансамбль репертуарида уруш оловини ёқувчиларга қарши туғёнли энг сара қўшиқлар жамлангандир.

«Спектр» Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати маданият саройи қошида бундан беш йил муқаддам ташкил этилган ансамблдир. Унга Сунат Юсупов раҳбарлик қилади. Бу бадиий ҳаваскорлик коллективига комбинатнинг электрчи, бетончи, арматурачи сингари турли касб эгалари аъзодирлар. Солистлардан Ш. Фозилов, В. Деминов, Б. Ҳасановлар ўзларининг иккинчи истеъдодлари билан мухлислар ихлосини қозониб келишмоқда.

Чиноз район бадиий ҳаваскорлари кўрик-конкурсида «Парвоз», «Наврўз», «Вираж», «Олмазор гуллари» вокаль-чолғу ансамблари фаолиятлари ҳам яхши баҳоланди.

А. РАҲИМОВ.

● БУЮК Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан тез-тез учрашувлар бўлиб турибди. Ана шундай учрашувлардан бири Бекоболдаги 33-мактабда ўтди.

СУРАТДА: уруш ветеранлари Очилбой Эшматов ва Абдуғани Ўразбеков (юқорида), Унгир Ҳожибоев (пастда) мактаб ўқувчилари даврасида.

Р. Альбеков фотоси.

«ГУЛЁР» БАХТ, ИҚБОЛДАН КУЙЛАЙДИ

Бахтинг, иқболинг қулиб тургач, қўшиқ ҳам оғзингдан тушмас экан. Қишлоқларимиздаги тўйларда, маросимларда кекса аёлларимиз ҳам ёшлар даврасига қўшилиб, лапарлар айтиб келишарди. 1979 йилда районимиз маданият уйида «Қизлар даврасе» ўтказилишидан хабар топиб, Ҳатима Абдураҳмонова, Тилла Ориповалар билан биргаликда унда иштирок этдик. Халқимизнинг оғзаки ижодига мансуб қўшиқ ва лапарлар, ёддан қўтарила бошлаган рақслар тўпланганларга манзур бўлди. Ўшанда «Гулёр» фольклор ансамблимизни тузишга қарор қилдик. Кўп ўтмай халқ қўшиқ ва рақсларига ихлосманд кекса аёллар «Гулёр» сафини кенгайтирдилар. Биз областимиз бадиий ҳаваскорлари кўрикларида иштирок этдик, телекўрсатувларга таклиф қилиндик.

Ҳозирги кунда ансамблимиз 26 кишидан иборатдир. Халқ санъатига меҳри тушган Қоранқул қишлоғидан Хатима Абдураҳмонова, Тилла Орипова, Ўғил Ироева Ғулжон Раҳматуллаева, Хўжакент қишлоғидан Комила Абдуллаева, Хабиба Раҳмонова, Ҳакима Мирсамиқова, Рихси Шарипова, эски Ғазалкент қишлоғидан Нисо Охунова, Манзура Аширбоева, Сайли Шоисломова ва бошқалар ўз лапарлари, рақслари билан кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлмоқдалар. «Гулёр» ижросида «Сада райҳонинга балли», «Каш-каш гул», «Ишқингдаман девона», «Асра қизил гулни», «Ўйнанг ёр», «Ер-ёр», «Ўлмишам», «Қоши қаро», «Билак узук», «Боғ шамоли» каби қўшиқлар ўзига хос жаранглайди.

Биз районимиз колхоз ва совхозлари меҳнаткашларига тез-тез концерт қўйиб бераяпмиз. Ансамблимизни бошқа районларга ҳам таклиф этишмоқда.

Кексаликни тан олмаётган ижрочи аёлларимиз республикамизнинг 60 йиллик тўйига бағишлаб «Йигитлар», «Москва йўли», «Учиб ўтсин самолёт», «Нозирим», «Хилола» каби янги қўшиқ ва рақсларни тайёрладилар. «Гулёр» бахт ва иқболни тараннум этишда давом этмоқда.

Лазокат НУРИМОВА,
Бўстонлиқ район маданият уйи қошидаги «Гулёр» фольклор халқ ансамблининг бадиий раҳбари.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

✦ БАСКЕТБОЛ

Тбилисида аёллар ўртасида СССР биринчилиги биринчи лига мусобақаларининг иккинчи тури якунланди. Тошкент физкультура институтининг коллективи беш марта майдонга чиқди. Ленинграднинг «Буревестник» командасини 92:82, Душанбенинг «Спартак» коллективини эса 95:73 ҳисобида мағлубиятга учратди. Уч учрашувда эса рақиблар ғалаба қозонишди. Учинчи тур ўйинлари январь ойида Ленинградда ўтказилади.

✦ ДЗЮ-ДО

Андижонда аёллар ўртасида дзю-до бўйича илк республика мусобақалари бўлиб ўтди. Унда юздан кўп спортчи иштирок этди. Улар орасида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикаларининг кучли спортчилари ҳам бор эди. Гарчанд бундай беллашувлар республика доирасида камдан-кам ўтказилса-да, кураш қизғин ўтди. Ўз вазн тоифаларида тошкентлик Неля Қиёмова, Ирина Тадидеева, Людмила Лисовская, Наталья Васильева ва Наталья Названовалар биринчи ўринларни эгаллашди. Турнирнинг ғолиблари энди 16—20 январда Краснодарда бўладиган Бутуниттифоқ мусобақасида куч синашишади.

✦ ВОЛЕЙБОЛ

Пойтахтимизда қизлар ва йигитлар ўртасида республика мусобақалари бир неча кун давом этди. Унда тошкентликлар ғолиб чиқиб, Бутуниттифоқ мусобақаларида республикамиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Бу мусобақалар 3—8 январда Северо-Задонск ва Анапа шаҳарларида бўлиб ўтади.

БУ—ҚИЗИҚ!

РАНГЛАР ИҚЛИМИ

Киши психологияси билан шуғулланувчи олимларнинг айтишларича, одамларнинг қайси рангни севишларига қараб уларнинг ким эканлигини, қандай характерга эга эканлигини айтиб бериш мумкин экан. Яқинда италиялик олим Жевани Марги Миланда чиқадиган бир журналда рангларни қуйидагича шарҳлади.

Яшил ранг. Бу рангни севувчилар жуда ҳиссиётли, нозик дидли, табиатни яхши кўрувчи, эркин ва озод бўлишни севувчи, ишқ бобида вафодор ва ишончга лойиқ кишилардир.

Қизил ранг. Бу рангни севувчи кишилар қизиққон, тезда бир қарорга келувчи, жаҳли тез, ҳар бир ишга аралашиб, можаро чиқаришни яхши кўрувчи кишилардир.

Сариқ ранг. Бу рангни ёқтирадиган одамлар тушунган, равшан фикрли кишилардир. Улар ҳаётга берилувчан, меланҳолик, вафодор, ҳасадчи, афсонага айланиш даражасида севишга уринувчи бўладилар.

Кўк ранг. Бу рангни ёқтирувчи кишилар ички оламдан кўра ташқи гўзалликни севувчи бўладилар. Улар ақлли-ҳушли, бир сўзида турадиган, ишқда вафодор, бир ишни қилишга аҳд қилсалар, қилганларидан кейин афсус чекмайдиган кишилардир.

Бинафша ранг. Бу рангни ёқтирувчилар иззатталаб, ҳаммадан кучли бўлишни истовчи, мижози доим ўзгариб турувчи, ҳаёти доим ғалаёндан иборат бўлган одамлардир.

Оқ ранг. Бу рангни севувчилар покиза, масъум, кишилардир. Бошқаларга нисбатан мулойим, совуққон, ҳиссиёти эса камроқ бўлади.

Қора ранг. Бу ранг баднбин ва низоталаб кишиларнинг севган рангидир. Бундай кишилар кам кулади, тунд бўлиб юради, ишқ бобида ўзбилармон, бир қарашда севиб қолаверадиган бўлади.

Тўпловчилар: З. ЭГАМБЕРДИЕВ, З. ЭГАМБЕРДИЕВА.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Р. 20252 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1855. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12